Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 275 (2259).
26 ДУШАНБА НОЯБРЬ 1973 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга сафари тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳисса бўлади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ҲИНДИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Бош министри И. Гандининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан 25 ноябрда Москвадан Деҳлига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Советининг ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раиси С. А. Скачков, шунингдек КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, СССР элчиси В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин ўртоқ Л. И. Брежнев сафарида унга ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, В. В. Кузнецов, Т. С. Павлов, К. В. Русаков, К. У. Черненко, Г. Э. Цуканов, КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси Г. К. Цинев, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари В. Д. Лебедев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. А. Голиков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги мувақкат ишлар вакили П. Синай, Ҳиндистоннинг Москвадаги элчихонасининг дипломатия ходимлари бор эди. (ТАСС).

Ўртоқ Л. И. Брежнев ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон ССР пойтахтида шоду ҳуррамлик билан кутиб олинди.

В. Молгачев фотоси.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Расмий дўстлик визити билан Деҳлига бораётган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ Л. И. Брежнев 25 ноябрда Тошкентга келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев ва бошқа расмий кишилар ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга келдилар.

Тошкент аэропортида ўртоқ Л. И. Брежневни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, Тошкент области ва республика пойтахти партия, совет, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, меҳнаткашларнинг вакиллари кутиб олдилар.

Тошкент майдонлари ва кўчаларида республика пойтахтининг минг-минглаб аҳолиси Леонид Ильич Брежневни самимий табриклаб кутиб олди. (ЎзТАГ).

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдан жўнаб кетди

Расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга бораётган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси ўртоқ Л. И. Брежнев бугун Тошкентдан Деҳлига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Д. А. Кунаев ва бошқа расмий кишилар ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев ўртоқлар, Ўзбекистон ССР министрлари, Тошкент области ва республика пойтахти партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, меҳнаткашларнинг вакиллари ўртоқ Л. И. Брежневни Тошкент аэропортида ўзатиб қолдилар.

Минг-минглаб меҳнаткашлар аэропортга борадиган йўлда Леонид Ильич Брежневни самимий табриклашдилар.

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежнев шу куниёқ Деҳлига етиб келди. (ЎзТАГ).

● *Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига*

МАҲАЛЛАДА ЛЕКТОРИЙ

Киров районидаги 5- маданият уйи ҳамда «Билим» жамияти Киров район ташкилотининг ташаббуси билан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб лекторий ташкил этилди. «Ленинизм байроғи остида коммунизм сари олға!» деб номланган лекторий ўтган шанба куни райондаги 2-Отчопар маҳалласида ўзининг биринчи машғулотини бошлади.

Тарих фанлари кандидати Р. Сандиров маҳалла жамоатчилигига «РСДРП социал ташкилотларининг вужудга келиши ва Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш» деган темада лекция ўқиди. Маҳалла комитетининг раиси И. Толипов лекторий ташкил этганликлари учун Маданият уйи ҳамда «Билим» жамияти район ташкилотининг ходимларига маҳалла жамоатчилиги номидан миннатдорчилик билдирди. Лекторий, ҳужжатли фильмни намойиш қилиш билан якунланди.

ҲАЁТБАХШ ЛЕНТАЛАР

Бугун

ПОЙТАХТИМИЗ ДАГИ «ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ва РЕСПУБЛИКА КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР КИНОФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИШ БОШЛАНДИ.

Томошабинлар «Республиканинг учинчи ордени» деган фильмни қизиқиш билан кўрмоқдалар. У Совет Ўзбекистони республикасига халқлар дўстлиги орденини топшириш маросими ҳақида ҳикоя қиладн.

Фестиваль программасидан «Самарқанд юбилейи», «Ўзбекистон оҳанглари», «Хоразм саҳифасидан», «Тошкент эпизодлари» каби қатор - қатор фильмлар ўрин олган.

ТЕАТР БИЛАН ТАНИШУВ

Кеча

шаҳримиздаги 10-мактабда ўқувчилар билан рус Ёш томошабинлар театри коллективининг учрашуви бўлиб ўтди. Ўқувчиларни театр фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида уюштирилган бу учрашув «Ёш томошабинлар театри қуни» деб аталди.

Учрашувга театрнинг бош режиссёри Н. В. Шаханова бошчилигида актёрлар, гримчилар, костюмчилар, декорация усталари келишди. Ўқувчиларга спектакларда фойдаланилган кийим намуналари, безаклар, декорация макетлари кўрсатилди. Санъаткорлар драматик асарнинг спектакль тарзида намойиш этилгунича босиб ўтадиган йўли, саҳна асари тайёрлашнинг ўзига хос сирлари ва қийинчиликлари ҳақида гапириб бердилар.

«ДЎСТЛИК» ПОЕЗДИ БИЛАН

Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари комитетининг саёҳат ва экскурсиялар бюроси бу йил мамлакатимиз ва жаҳонининг бир қатор шаҳарларига саёҳатлар уюштирди. Шу кунгача республикамизнинг мингдан зиёд ишчи, хизматчи ҳамда пахтакорлари поездда, пароходда ва ҳаво «қуш»ларида саёҳат қилдилар.

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида республикамиз пахтакорлари мисли кўрилмаган ғалабани қўлга киритдилар. Она-Ватанга 4 миллион 900 минг тонна пахта топширилди. Ана шу улкан хирмонни яратишга муносиб ҳисса қўшган меҳнат илғорлари учун «Москва — Варшава— Познань— Вроцлав — Москва» маршрутлари бўйича «Дўстлик» поезди ташкил этилди. 340 ишлаб чиқариш илғорн дўстлар мамлакати шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

АВСТРИЯЛИК МЕҲМОН

Австриялик турколог олим турист Ян Карл Тошкентга келди. У Ўрта Осиё ва Эрон тарихчиларининг илмий фаолиятига бағишлаб бир қатор мақолалар ва асарлар ёзган.

Меҳмон Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик институтида бўлиб у ерда олиб борилаётган илмий ишлар билан қизиқиб танишди.

Дўстлар хизмати

Бугун

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА 2 ОЙДАН БЕРИ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ЧЕХОСЛОВАК И ЯНИНГ «ОЙМОМА» АТТРАКЦИОНИ ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАМОМЛАДИ. ШУ ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА I МИЛЛИОНГА ЯҚИН КИШИ АТТРАКЦИОН ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШДИ.

«Оймома» бундан олдин Олмаота ва Фрунзе шаҳарларида ҳам бўлиб, томоша кўрсатган эди. Дўстлар Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланадиган йилда яна Тошкентга келадилар.

⊙ ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА — МАМЛАКАТГА

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР КАРВОНИ

Тошкент темир йўл бўлинмаси товар станциясининг коллективи «Ташсельмаш» заводида тайёрланган пахта терши машиналарини буюртмачиларга пешма-пеш етказиб бермоқда.

Бугун

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ОРТИЛГАН ПОЕЗД ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИГА ЙЎЛ ОЛДИ. ҚУДРАТЛИ МАШИНАЛАРНИ ТОЖИК, ТУРКМАН, ҚИРҒИЗ ПАХТАКОРЛАРИ ОЛАДИЛАР.

Темир йўл ходимлари шу ойнинг ўзида 360 машинани белгиланган адресларга етказиб бердилар. Бундан ташқари юзлаб агрегатлар чет мамлакатларга жўнатилди.

Тез, соз, тежамли қурайлик!

Бугун

Тошкентда ана шу шиор остида «Узглавводстрой» ходимлари ва иқтисодчи олимларнинг «Сув хўжалиги қурилиши самарадорлигини ошириш йўллари» мавзуида кенгаши очилди. Кенгаш бошқарма, «Узоргтехводстрой» трести ва Тошкент халқ хўжалиги институти ходимлари томонидан тайёрланган. Унда тўқизинчи беш йилликнинг гоят муҳим объектлари — Амударёда Туямўйин гидроузелини, Қорадарёда Андижон сув омборини, Қизилқум саҳросида Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбатини, Катта Наманган каналини бунёд этаётган, Сурхон-Шерабод даштини ва Марказий Фарғонани комплекс ўзлаштираётган қурилиш трестлари ва бошқармаларнинг меҳнатнашлари иштирок этмоқдалар.

Республикамизда суғориладиган майдонларни кенгайтириш бўйича жуда катта ишлар олиб борилаяпти. КПСС XXIV съезди қарорларидан келиб чиқиб, «Узглавводстрой» қурилиш ташкилотлари амалга оширадиган вазифалар ниҳоятда улкан ва мураккаб, бунинг устига ана шу ишларнинг ҳаммаси йил сайин кенга йиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси сув хўжалиги қурилишига раҳбарликни такомиллаштиришни тақозо этади.

Кенгаш қатнашчилари планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги шароитида тўғри график бўйича ишлаш (жумладан, мазкур метод бўйича шу йилнинг 10 ойида бошқарма 70 миллион сўмлик ҳажмда иш бажарган), объектлар ва босқичлар бўйича бажарилган ишга ҳақ тўлаш, таннархни янада камайтириш, иқтисодий рағбатлантириш фондларини ташкил этиш масалалари бўйича энг яхши натижага эришган гидроқурувчилар коллективларининг иш тажрибаларини таҳлил қиладилар.

Кенгаш қатнашчилари олдида турган вазифа — республикамиз энг муҳим халқ хўжалигини объектлари қурилишини тезлаштиришдан иборат.

Ю. БУХАНЦЕВ,
«Узглавводстрой» бошқармаси план-иқтисод бўлимининг бошлиғи.

ГАЗЕТХОН ПОЙТАХТ

Шаҳримиз корхоналари, муассасаларн ва ўқув юртларида келгуси йилнинг газета ва журналларга обуна бўлиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу ишни намунали ўтказишда жамоатчи матбуот тарқатувчиларнинг ташаббуси ибратли бўляпти. Ҳар бир районда юзлаб матбуот тарқатувчилар баракали меҳнат қилдилар.

Айниқса, йирик ишлаб-чиқариш корхоналарида коллективлар газета ва журналларга катта қизиқиш билан ёзиляптилар. «Ташкенткабель» заводида тўпланган обуна 30 минг сўмдан ошиб кетди. Чкалов номли авиация заводининг коллективи келгуси йили 100 номдан ортиқ газета ва журналларни мунтазам ўқийдиган бўлдилар. Уларнинг тўплаган обунаси 300 минг сўмни ташкил қилади.

Шаҳримиз меҳнаткашлари 1974 йилда «Правда» газетасидан 40700, «Известия» газетасидан 58500, «Совет Ўзбекистони» газетасидан 13700, «Правда Востока» газетасидан 41200 нусха олиб ўқийдиган бўлдилар. Газетхон пойтахт ҳаммаси бўлиб 1 миллион 200 минг нусха газета ва журналларни олади.

Бугун

КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН ТЎПЛАНГАН ОБУНА 5 МИЛЛИОН СЎМЛИКДАН ОШИБ КЕТДИ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ **КОЛОМБО.** Шри Ланка пойтахтнинг йирик «Эмпайр» кинотеатрида олтинчи халқаро кинофестиваль очилди. Фестиваль бир ҳафта давом этади. Халқаро кинофестивалда 12 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи, Болгария, ГДР, Польша қатнашмоқда. Фестивалда совет кинофильмлари намоён этади.

◆ **ТОКИО.** «Иванамихолл» залида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмага марксизм - ленинизм классикларининг рус, япон ва немис тилларида нашр этилган асарлари қўйилган. 1300 китоб, журнал ва брошюралар орасида чинакам нодир нашрлар бор: чунончи, кўргазмада «Хиомин симбун» газетасининг 1904 йил 13 ноябрда чиққан нусхаси қўйилган. Бу газетада «Коммунистик партия манифести» япон тилида тўла эълон қилинган эди. Томошабинлар кўпдан-кўп экспонатларни кўздан кечиришдан ташқари, ўзларига ёққан замонавий нашрларни харид қилиш имкониятига ҳам эгадир. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти нашр этган асарлар томошабинларнинг эътиборини кўпроқ ўзига жалб этмоқда.

◆ **БУЭНОС-АЙРЕС.** Бу ерда олинган маълумотларга қараганда, Чилининг шимолида ташкил этилган қамоқ лагерида тараққийпарвар журналистларнинг кўпи қамалиб ётибди. Булар орасида Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси, «Сигло» газетасининг директори Родриго Рохас, шу газета ходими Гильермо Торрес, «Кеарин» газетасининг директори Альберто Гамбоа, «Насьон» газетасининг директори Оскар Вайс ва «Пунто финаль» журналнинг директори Мануэль Кабьесес ҳам бор.

Ҳарбий тўнтаришдан сўнг ҳарбий хунта мана шу матбуот органларининг ҳаммасини дарҳол ёпиб қўйган эди.

◆ **БОННИ.** ГФР ишлаб чиқаришда ҳар 13 секундда бахтсиз ҳодиса, ҳар икки соатда ўлим билан тугалланувчи бахтсиз ҳодиса рўй беради. Бу маълумотлар Ғарбий Германия металлистлар касаба союзининг конференциясида келтирилди.

ПХР. Варшавада Висла дарёси устида «Лазенковский» деб аталган янги кўприк қурилиши тугалланмоқда. Кўприк қурувчилари замонавий методлардан фойдаланиб, уни муддатидан анча илгари фойдаланишга топширишмоқчи.

СУРАТДА: кўприк қурилишида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

Баскетбол

Бошланиши чакки эмас

Утган шанба ва якшанба кунлари «Ёшлик» спорт аренасида баскетбол бўйича икки қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Биринчи марта мамлакат чемпионатининг «А» класс биринчи группасида ўйнаётган Тошкент Давлат университетининг спортчилари чемпионатнинг дастлабки учрашувида Ленинград армиячилари билан беллашдилар.

Ҳамшаҳарлар и м и з масъулиятли турнирга тайёргарлигини сентябрь ойидаёқ бошлаб юборган эдилар. Октябрда «Университет» «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Марказий советининг биринчилигида иштирок этиб, тўртинчи ўринни эгаллади. Ана шу турнирда тошкентликлар фақат икки марта маглубиятга учрадилар.

Команда катта тренери А. Адисман умуман коллективнинг мавсумга тайёргарлигидан мамнун эди. Ветеранлар — С. Ананьев, Г. Авдеев билан бирга ёшлар — Ю. Тихонов (унинг бўйи 207 сантиметр), Ю. Осипов, С. Гаврилов ва бошқалар яхши ўйин кўрсатишди. Ҳамшаҳарларимизга ўз группаларидаги Олмаота, Свердловск, Вильнюс, Рига, Николаев, Ереван, Москва областининг кучли коллективлари билан ўз майдонларида ва сафарда икки мартадан ўйнашга тўғри келади.

Ҳамшаҳарларимизни Ленинград армиячилари билан бўлган биринчи учрашувда жиддий синов кутиб турарди. Меҳмонлар уларга қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Ўйин ниҳоятда кескин ўтиб, 94:90 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига тугади.

Кечаги такрорий беллашувда ҳам «Университет» командаси баскетболчиларининг қўли баланд келди. Улар 77:70 ҳисобида ғалаба қозондилар.

28—29 ноябрда тошкентликлар Москва областининг «Строитель» командаси билан куч синашадилар.

Коммунистлар—ишлаб чиқаришда

КАСБНИ УЛУҒЛАБ

Бригада аъзолари ўртасида Ҳожи ота пенсияга чиқармиш, кексайиб қолдим деётганмиш, бошқарма бошлиғи ҳам розилик биларибди, бизга янги бригадир келармиш, деган гап тарқалди.

Ниҳоят, бу гаплар ҳақиқатга айлана бошлади. Нигилишда бригада бошлиғи ўз шогирдларидан узр сўраб, шундай деди:

—Ўртоқлар, анча кексайиб қолдим, соғлиғим ҳам яхши эмас, чарчаб қолаяпман. Энди менга рухсат этинглар, дам олай, қадрдонларим. Бригадамизнинг тақдири, унинг келажагини сизлар ҳал қиласизлар. Аввалгидек бир тан-бир жон бўлиб ишлашларингга, касбни улуғлаб, бригада шуҳратини оширишларингга аминман. Менинг таклифимга кўнсаларинг, бригадирликка ўз ишчимиз, коммунист Ҳикмат Қамбаровни сайласак, — деди устоз, — бу йигит наққон, бригадамизнинг фахри ишнинг кўзини билади.

Отанинг маслаҳати ҳаммага маъқул тушди. Ҳикмат Қамбаровни бир овоздан бригадирликка сайлашди. Мана шу воқеага ҳам қарийб ўн йилча бўлибди.

* * *

1958 йили ўрта мактабни битириб, комсомол йўлланмаси билан шаҳар ремонт-қурилиш бошқармасига, ҳозир «Главташкентстрой»нинг «Таштрансспецстрой» трестига қаралган 5-қурилиш бошқармасига ишга келган Ҳикматни Ҳожи ота бригадасига бириктиришди. Саккиз йил оддий ишчи бўлиб ишлаб, у устозлардан анча иш ўрганди. 1964 йили КПСС аъзолигига қабул қилинди. Бир неча ой ўтгач, юқорида айтганимиздек, уни бригадага бошчи қилиб сайлашди.

Ёш коммунист устозининг маслаҳатлари бўйича ишни давом эттираверди. Бригада коллективи даставвал ишини В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг бош ўқув корпуси, химия, физика факультетлари биноларининг атрофидаги ер ости коммуникацияларини ҳамда ободонлаштириш ишларини бошлади ва ишни «аъло» баҳода бажарди. Ўша пайтларда водопровод трубалари, қувурлар ётқизиш учун зовурларни қўлда қазишга тўғри келарди. Ер қазийдиган машиналар, қурилиш техникаси ҳали етишмас эди. Қувурларни ётқизиш, кўмиш ишлари ҳам қўл кучи билан бажарилардн.

Тошкент зилзиласидан кейин тузилган «Главташкентстрой»ва унга қарашли «Таштрансспецстрой» трестига шаҳардаги кичик-кичик ремонт-қурилиш бошқармалари бирлаштирилди. Трестга қарашли 5-қурилиш бошқармаси вужудга келди. Бошқарма Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан юборилган қурилиш техникаларини ола бошлади ва қўл меҳнати аста-секин механизмлар зиммасига юклатилди. Бригада аъзолари шундан буён шаҳримиз қиёфасини ўзгартиришда ва уни янгилашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали атрофи ҳамда Ленин кўчасида ер ости коммуникация ишларини амалга оширишда, қувурлар ётқизиш, майдон ва йўлкаларга темир-бетон, мармар плиталар ўрнатишда, гулзор ва хиёбонлар бунёд этишда Ҳ. Қамбаров бошлиқ коллектив фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатди. Юбилей йилида ўтказилган сифат кўрик-конкурсида музей атрофидаги ободонлаштириш ишлари учун яхши баҳо олган 5-бошқарма коллективига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари бўйича Давлат комитети, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзлари республика комитети, Ўзбекистон ССР қурилиш индустрияси илмий-техника жамияти правлениеси ва Ўзбекистон ССР архитекторлар союзининг дипломи берилди. Бригада эса Коммунистик меҳнат коллективи, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Пойтахтимизда бунёд этилаётган янги-янги турар жой массивлари, боғча, мактаб, шифохоналар, маданий-маиший муассасалар, савдо марказлари, маъмурий биноолар, саноат объектларини бунёд этишда, уларни ер ости коммуникацияларисиз, ободонлаштириш ишларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай ишларни амалга оширишда Ҳ. Қамбаров бригадасининг меҳнатига юксак баҳо берилмоқда. Бригадага бошчилик қилиб келаётган коммунист Ҳ. Қамбаров кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ва Ленин орденлари безаб турибди.

— Комсомол йўлланмаси билан шаҳримиз қурилишларида ишлаб тажриба тўпладим. Ҳунар-касб ўргандим, техника билан иноқлашдим, — дейди коммунист Ҳ. Қамбаров, —ҳаётимда, энг муҳими, одамларни ўргандим, улар билан қандай муомалада бўлишни билиб олдим. Қишнинг қаҳратон совуқларига, ёзнинг жазирама иссиғига қарамай, бригадамизнинг 13 кишилик аъзоси қурилишларда энг масъулиятли вазифаларни бажариб келмоқда.

— Партия ва ҳукуматнинг беш йиллиқнинг ҳал қилувчи учинчи йилида социалистик мусобақани ҳар тарафлама авж олдириш тўғрисидаги қарорига жавобан, бригадамиз аъзолари бошқармадаги Энвер Мустафаев бошлиқ хўжалик ҳисобида ишловчи бригада аъзолари билан ўзаро мусобақадош. Бу бригада ҳам Коммунистик меҳнат коллективи деган, шарафли номни оқлаб келмоқда.

—Ўзаро социалистик мусобақада, — дейди бригада бошлиғи, — Ҳ. Аҳмаджонов, К. Нуриддинов, Н. Ғайниддинова, В. Маҳкамов, Ли Герми ва бошқа ишчилар доимо пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Меҳнат ютуқларига эришувда бир неча миллат вакилидан ташкил топган бригада аъзоларининг меҳнатда ва ҳаётдаги ўзаро дўстлиги, бир мақсад сари интилиши қўл келмоқда.

Бригада аъзолари шу кўларда Октябрь районида бунёд этилаётган «Марказ—27» кварталида коттежлар, 280 ўринли болалар боғчаси, 27 ва 28-блокларда сўнги ишларни амалга оширмоқдалар. Уларнинг мақсади — ҳар қандай топшириқни муддатидан илгари, сифатли бажаришга қаратилгандир.

Т. НАЖМИИ,
жамоатчи мухбир.

СУРАТДА: «Главташкентстрой»га қарашли «Таштрансспецстрой» трестининг 5-қурилиш бошқармаси Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи —Ленин ордени кавалери, коммунист Ҳикмат Қамбаров.
И. Шоиноғомов фотоси.

БЕШ ИЙЛИК ВАХТАСИДА

Тошкентдаги биринчи троллейбус депосининг ишчан коллективи тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасида баракали меҳнат қилиб, ўн ойда йиллик топшириқни бажарди. Корхонанинг ана шу ютуқларида пешқадам ремонтчи, коммунистик меҳнат зарбдори Ҳикмат Нуриддиновнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Бу ишлаб чиқариш новатори ҳозир 1974 йил топшириқларини бажараяпти.
СУРАТДА: Ҳ. Нуриддинов.

ҚУВОНЧЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Шаҳар юк ташиш автомобиль трестига қарашли 2512-автоколонна коллективи пойтахтимиздаги «Ташкенткабель» «Ўзбексельмаш» заводлари, «Юлдуз» тикув фирмаси, 5-гишт заводлари бошқармаси сингари ўнга яқин корхонага транспорт хизмати кўрсатади. Автоколонна ҳайдовчилари ўртасида социалистик мусобақанинг тўғри ташкил этилиши ютуқлар гарови бўлиб хизмат қиляпти. Аҳил коллектив ҳал қилувчи йилнинг ўтган даврида халқ хўжалиги юклари ташиш топшириғини мажбуриятда белгиланганидан қарийб 14 процент знёд билан бажарди.

Тадбиркорлик билан иш юритиш натижасида автомобиль хўжалиги саккиз юз минг сўмлик ка яқин фойда кўрди. Бу кўзда тутилганидан икки баравар кўпдир.

Коллективлар ўртасидаги беллашувда Я. Тангабоев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ҳайдовчилари байроқдор бўляптилар. Бу пешқадам коллектив ҳайдовчилари кўплаб юк ташиш билан бирга ўзларига бириктилган транспортнинг узоқ муддатда ремонтсиз ишлашни таъминлашда ҳам ўз ҳамкасбларига намуна бўляптилар. Уларнинг ёнилғи, мойлаш материалларини тежаш борасида олиб борилаётган ишлари ҳам қувончли натижалар бермоқда.

«Транспорт ҳаракатида бирор марта ҳам кўнгилсиз воқеанинг юз беришига йўл қўймаймиз!». Ана шу шиорни ўзларининг жанговар иш программаси деб қабул қилган автоколонна транспортчилари ўртасида ҳал қилувчи йилнинг қолган ойлари зарбдор вахтаси давом этмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Осиё халқлари манфаати йўлида

КОЛОМБО. Шри-Ланка Республикасидаги нуфузли «Трибюн» ҳафталик газетаси қуйидагиларни ёзади: Ҳозир қитъамизда Осиё коллектив хавфсизлиги системасини барпо этиш тўғрисида Совет Иттифоқи таклиф этган ғоянинг тарафдорлари муттасил кўпайиб бормоқда. Советлар мамлакати ўзининг Осиёдаги қўшиналарига бундай демоқда: «Келинглар, гумонсирашни улоқтириб ташлайлик. Бир-бирига душман блокларга гуруҳланишни тўхтатайлик! Қолоқликка қарши биргаликда курашайлик, экономикани ривожлантирайлик, бутун куч-ғайратни тинчлик мақсадларига: завод ва фабрикалар қуришга, мактаб ва касалхоналар бино этишга сарфлайлик СССР билан Ҳиндистоннинг тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1971 йилда тузган икки томонлама шартномасида мустаҳкамлаб берилган кўп йиллик дўстона муносабатлар шу райондаги ҳамма давлатлар учун яққол намунадир.

Аммо, бел таъкидлайди журнал Осиёдаги айрим кимсалар тарих ғилдирагини орқага буриб юбориш тўғрисидаги беҳуда уринишларини ҳамон бас қилмаётир. Биринчи галда Пекин раҳбарлари ана шулар жумласига киради. Коллектив хавфсизлик системаси ХХРга қарши қаратилган бўлади, деган гапни исботлаш учун улар жонжаҳдлари билан уринмоқдалар. Ҳатто улар Совет—Америка муносабатлари нормаллаштирилганлиги ҳам «учинчи дунё» муносабатларининг манфаатларига путур етказувчи «икки ўта буюк давлатнинг тил бириктириши», деб кўрсатишга интилмоқдалар.

ТАСС.

МАДАГАСКАРДА ЛЕНИН КЎЧАСИ

АНТАНАНАРИВУ. Малагасия пойтахтида илгари Маршал Жоффр кўчаси деб аталган бош магистраллардан бири бундан бўён В. И. Ульянов—Ленин номи билан юритилади. Антананариву-даги кўчалардан бирининг Ленин номи билан аталиши, деб хабар беради. «Имангу вауву» газетаси барча халқларни мустамлакачилик ва империализм жабр-зулмидан озод қилишга катта ҳисса қўшган, бутун инсониятнинг бахт-саодати ва озодлиги учун улуғ курашчига бўлган чексиз ҳурмат белгисидир.

Газетанинг хабар беришича, Антананариву муниципал кенгаши шаҳар кўчаларининг номини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу кўчаларнинг илгариги номлари мустамлакачилик вақтида малагасияликларга зўрлаб қабул қилдирилган эди. Пойтахтнинг кўпгина магистраллари эндиликда Мадагаскарни чет эллик босқинчилар зулмидан озод қилишда қурбон бўлган халқ қаҳрамонларининг номи билан аталган. Бир қанча бошқа кўчалар мустамлакачилик, империализм ва иркчиликка қарши, инсониятнинг бахт-саодати учун курашган Амилкар Кабрал, Ганди Мартин, Лютер Кинг ва бошқа машҳур курашчиларнинг номлари билан аталди.

ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ

УЛАН-БАТОР. Бу ерда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан Монголия — Совет ҳукуматлараро комиссиясининг Х мажлиси тугади. Бу мажлисда халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш, ҳар икки мамлакат министрликлари ва идоралари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш, ишлаб турган саноат ва қишлоқ хўжалик объектларининг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков МХР территориясидаги энг йирик мис-молибден кони базасида Монголия — Совет қўшма кон бойитиш «Эрдэнэт» корхонасини таъсис этиш тўғрисида МХР ҳукумати билан СССР ҳукумати ўртасида тузилган битимни имзоладилар.

«Эрдэнэт» корхонаси кон бойитиш комбинатини, Салхит —Эрдэнэт темир йўлини, Дархан —Эрдэнэт автомобиль йўлини, давлат чегарасидан то Эрдэнэтгача бўлган юқори вольтли электр узатиш линиясини, уй-жойларни, маданий-маиший биноларни ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи объектларни ўз ичига олади.

Ю. Цеденбал битимни имзолаш чоғида бундай деди: бу битим Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантириш комплекс программасини ошириш учун катта аҳамиятга эгадир. Бу муҳим объектни қуриш ишлари ҳозирдаёқ бошлаб юборилди ва шу беш йиллик ҳамда бундан кейинги беш йилликлар мобайнида ҳам амалга оширилади.

«Эрдэнэт» корхонаси — монгол ва совет халқлари ўртасидаги, қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг яққол намунасидир.

Шунингдек Совет Иттифоқи билан Монголия ўртасида 1974 йилда товар оборот тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

Совет Иттифоқи Монголия Халқ Республикасига машина ва ускуналар, нефть маҳсулотлари, ҳом ашё ва материаллар, шунингдек халқ истеъмоли моллари етказиб беради. Монголия Халқ Республикаси ўз экспортининг гўшт, чорва ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари сингари анъанавий моллари билан бир қаторда Совет Иттифоқига енгил саноат ва кон-руда саноати тармоқларининг маҳсулотини, бинокорлик материаллари ва бир қанча бошқа моллар етказиб беради. (ТАСС).

ДОВУЛ ҚУРБОНЛАРИ

МАНИЛА. Филиппиннинг марказий районларида ва Минданао оролида нучли довул бўлди.

Қизил крест вакилининг хабар беришича, довул келтириб чиқарган сув тошқини натижасида мамлакатнинг 8 та вилоятида 22 киши ўлган. 2.370 уй-жой вайрон бўлган ва 15 мингдан ортиқ киши бошпанасиз қолган.

ВЕНА. Австрияда бўлиб ўтган довул мамлакатга кўп миллион сўмлик зарар етказди. Довул Австриянинг шарқий ва жанубий районларида айниқса аянчли вайронгарчилик келтирди. Шамолнинг тезлиги соатига 120 километр бўлди. Шамол симёғочларни ағдариб, телефон ва телеграф симларини узиб ташлади, дарахтларни илдизи билан қўпориб, уйларнинг томини учириб кетди.

(ТАСС).

МАКТАБ ВА ЎҚИТУВЧИЛАР ЕТИШМАЙДИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, Бразилияда ҳозир гражданларнинг 22 процента ўқиш ва ёзишни билмайди, деб хабар берди Бразилия саводсизликни тугатиш ҳаракатининг раиси М. Симонсен. Бразилия маориф ва маданият министрлигининг маълумотларига кўра, шу йилнинг ўзидагина мактаблар ва ўқитувчиларнинг етишмаслиги сабабли мактаб ёшидаги уч ярим миллион бола ўқишни бошлай олмади.

Тошкент сўлим ва кўркам бўлсин

МЕТАЛЛ ИСРОФ ҚИЛИНМАСИН

Металл қанчалик зарур эканлигини ҳар бир киши яхши билади. Шунинг учун ҳам, давлатимиз металлни исроф қилмаслик тадбир чораларини кўриб бормоқда. Берилган топшириққа кўра ҳар бир корхона, завод ва фабрикалар, мактаб, муассасалар металлом парчаларини йиғиб топширмоқдалар. Бу муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Ҳар бир ишда тежамкорлик зарур. Аммо айрим қурилишларда юз бераётган исрофгарчиликларни кўриб, ёқанги ушлайсан, киши. Маълумки, кейинги 5—6 йил ичида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районида 1 ва 2-Қорақамиш массивлар бунёд этилди. Юзлаб уйлар, мактаблар, шифохона, болалар комбинати каби биноолар битказилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир ҳар икки массивда ҳам чала қолган қурилишлар давом этмоқда.

1-Қорақамиш массивидаги исрофгарчиликни кўриб жуда ачиндик. Маълумки, бу массивнинг оралиғидан Қичқирқ ариғи оқиб ўтади. Бир вақтлар бу ариқнинг икки томонида ёнғоқ, тут, ўрик каби кўпгина мевали дарахтлар бор эди. Дарахт ва сувнинг қадрига етмаган айрим бульдозерчилар сақлаб қолиш мумкин бўлган дарахтларни ҳам ағдариб ташлаганлар. Бунинг устига, брак қилинган плиталар ариққа ағдарилган. Агар шу кунларда ариқни бир айланиб чиқсангиз, ичи ва қиргоғида ётган юзлаб темир бетон плиталар, ўнлаб ёғ бочка, қоришма тайёрлайдиган турли механизмлар, арматура қолдиқлари лойга қоришиб ётганини кўрасиз. Массивдаги биноолар фойдаланишга топширилганига 3—4 йил бўлишига қарамай, массивнинг ҳар жой—ҳар жойида қурилиш даврида чиқитга чиқарилган турли хил арматуралар, темир терсаклар, темир бетон плиталар уюлиб ётибди. Масалан, 233-ўрта мактаб биноси рўпарасидаги катта майдон ҳозир ахлатхонага айланган. У ерга тўпланган металлолар нима учундир олиб кетилмайди. Шунинг учун ҳам, бу майдон ўртасида катта тепалик ҳосил бўлмоқда.

Нима учундир, биноларни фойдаланишга қабул қилишда массив атрофида уюлиб қоладиган бундай ҳусн-бузарларни тозалатишга эътибор бермай келинади. Бундай исрофгарчиликлар кўпгина қурилиш майдонларида учраб туради. Агар қурилиш раҳбарлари ва тегишли ташкилотлар ўз вақтида назорат қилганларида бундай исрофгарчиликка йўл қўйилмаган бўлар эди.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
штатсиз мухбиримиз.

ЭНЕРГЕТИКА ТАНҚИСЛИГИ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Ғарбда энергетика танқислиги кескинлашиб бораётганлиги жаҳон маҳсулотининг ҳали ҳам асосий мавзуларидан бири бўлиб турибди. Кўпгина хорижий мамлакатларда нефть билан таъминлаш қийинлашиб бораётганлиги тўғрисида телеграф агентликлари, газеталар янгидан-янги хабарларни эълон қилмоқдалар. Шу хабарларда ёнилғининг турли хиллари қимматлашиб бораётганлиги айтилмоқда. Суюқ ёқилғининг истеъмол қилинишини чеклаш мақсадида қўрилаётган чоралар ҳақида ҳам хабарлар кўп.

БОННГ. Нефть концертлари ўзлари олаётган фойдани кўпайтирмоқ учун ғарбдаги энергетика танқислигидан фойдаланмоқдалар. Ғарбий Германияда, деб ёзади «Ди цайт» газетаси, уйларни иситиш учун ишлатилаётган суюқ ёқилғининг нархлари кейинги икки ҳафта ичида кўтарилишига асосий сабабчи бўлмоқдалар. «Галф ойл» компанияси олаётган фойда шу йилнинг учинчи кварталида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 91 процент кўпайди. «Стандард ойл» компанияси олаётган фойда 80,7 процент ва «Мобил ойл» компанияси олаётган фойда 63 процент кўпайди.

ТОКИО. Ғарбда нефть танқислиги кескинлашганлиги туфайли Японияниг кемачилик компаниялари анча қийинчиликка учрамоқдалар. Ёқилғи олиш қийин бўлиб қолганлиги натижасида чет эл портларида туриб қолаётган кемалар тобора кўпаймоқда. Япониядаги энг катта «Випон юсен кайси» кемачилик компанияси вакилларининг айтишига қараганда, худди шу сабабдан Панамада, Роттердамда, Сингапурда ва жаҳоннинг бошқа портларида кемалар тўхтаб ётибди.

СТОКГОЛЬМ. Швеция ҳукумати мамлакатдаги гражданларни ҳамда фирмаларни нефть ва электр энергия истеъмол қилишни декабрь ойидаёқ 15 процент қисқартиришга даъват қилди.

Савдо министри Ч. У. Фельд матбуот конференциясида гапириб, мамлакатга етказиб берилаётган нефть миқдори яна қисқартирилаётган бўлса ҳукумат нефть маҳсулотларини ва электр энергияни беришни нормаллаштириб қўяди, деди. Бу тўғридаги қонун лойиҳаси Риксдаг (парламент) муҳокамасига киритилди.

ЖЕНЕВА. Нефть маҳсулотларини тежаш мақсадларида Швейцария ҳукумати бензин сотувчи станцияларни ёнилғи билан таъминлашни шу йилнинг охиригача 20 процент қисқартиришни мўлжаллаб турибди. Кватираларни ва маъмурий биноларни иситиш учун мазут сотиш яқин беш ой ичида 25 процент қисқартирилади.

РИМ. Италияда ёқилғи етишмай қолганлиги ҳамма жойда сезилиб турибди. Ҳатто Римда уйларни иситиш учун мазут сотадиган «чайқов бозор» пайдо бўлди. Ёнилғи етишмай қолганлиги сабабли «кираким автобуслар миллий уюшмаси» шаҳарларарО пассажирлар ташишни бутунлай тўхтатмоқчи бўлиб турибди.

СИНГАПУР. Сингапурдаги 250 тадан кўпроқ бензин сотиш станциялари иш кунларида автомобилларга хизмат кўрсатиш вақти ун соат қисқартирилганлигини эълон қилди. Бензин колонкалари дам олиш кунлари ишламайдиган бўлди. Нефть маҳсулотларини тақсимлаш соҳасида ишловчи ходимларни бирлаштирган уюшма вакиллари ҳукуматнинг ёнилғи истеъмолини чеклаш программасига мувофиқ шундай чоралар кўрилганлигини айтди.

ГВАТЕМАЛА. Мамлакатда нефть ёнилғини тежаш мақсадида Гватемала ҳукумати хизмат автомобилларидан шанба ва якшанба кунларида фойдаланишни тақиқлаб қўйишга қарор қилди. Шу мақсадда Гватемалада корхоналар ва муассасаларнинг иш вақти кундузги вақтга тўғри келсин, деб соатлар стрелкаси бир соат олдинга суриб қўйилди.

(ТАСС).

Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларида ҳаёт ўз изига тушмоқда. Донгха, Тхуан, Камла каби машҳур бозорларда савдо-сотиқ авжида.
СУРАТДА: Донгха бозорида.

Жапан пресс —ТАСС фотоси.

ҚЎШИМЧА 60 УЙГА ЕТАДИГАН БЛОК

Жиззах бинокорлик материаллари комбинатининг коллективи 1974 йилги плани муҳокама қилаётиб унга қўшимча яна 60 та уйга етадиган силикат бетон блоклар ишлаб беришга аҳд қилди.

Бош инженер В. Скворцов новаторларнинг таклифлари асосида шунча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлигини маълум қилди. Новаторлар силикат бетон блоклар тайёрланувчи автоклавларни янада рационал тўлдириш методларини топдилар. Натижада мавжуд ускунанинг ўзидан кўпроқ маҳсулот тайёрлаб олинади. Турдош керамзит ва гипс прокат цехлари ишини автоматлаштириш пландан ташқари уйларни комплектловчи маҳсулотлар билан таъминлашга имкон беради. Шундай қилиб, қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар яна 6 минг квадрат метр уй-жойлик бўлиб қоладилар.

(ЎзТАГ).

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг қандолатчилари шу бугунгача план. дан ташқари ўн бир ой давомида уч юз тоннадан зиёд маҳсулот тайёрлаб жўнатдилар.
СУРАТДА: (чапдан ўнгга) ишчан қандолатчилардан Нелл Мақсудова билан Надежда Богатова ўртоқлар янги маҳсулотни жўнатиш тарадду-дида.
М. Нуриддинов фотолари.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК АСОСИДА

Пойтахтнинг Ленин районидаги партия ташкилотлари қошида ташкил этилган марксча-ленинча ўқув ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили пухта тайёргарлик асосида бошланди.

Райондаги каноп фабрикаси, «Электроаппарат» бирлашмаси, электрон техника заводи, Ўзбекистон ССР Геология ва Қурилиш министрликлари, Ўрта Осиё темир йўл Бошқармаси, «Средазтрансстрой», «Ташсантехгазмонтаж» трестлари, 53, 94 ,158-мактаб ва бошқа коллективларда дастлабки машғулот юксак ғоявий-назарий даражада ўтди.

Тошкент авиа бўлинмаси партия ташкилотида янги ўқув йилига яхши тайёргарлик кўрилди. Бу ерда машғулотлар графиги ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, пропагандистлар граждан авиацияси Бошқармасида уч кунлик семинардан ўтдилар, улар программа ва ўқув-методика адабиётлари билан таъминланган.

Пропагандистларга методик ёрдам кўрсатиш мақсадида район партия комитети қошида, электрон-техника заводи ва авиа бўлинмаларда доимий ишлаб турувчи семинарлар ташкил этилди.

Тошкент оқшоми'да босилгандан кейин

«Эътиборли бўлайлик!»

Газетамизнинг 9 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда айрим шаҳар мактабларида турли баҳоналар билан ўқувчилардан пул йиғилаётгани танқид қилинган эди.

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлимидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали халқ маорифи бўлимининг Советида ва 224-мактаб педагогика коллективи ўртасида кенг муҳокама қилинди. 224-мактаб директори Ҳ. Даминов ишга назоратни сусайтиргани учун қаттиқ огоҳлантирилган. Шунингдек ўқувчилардан пул йиғиқан ўқитувчилар масаласини кўриб чиқиш ва тегишли чора кўриш зарурлиги кўрсатилган. Райондаги бошқа мактабларда ҳам ана шундай нуқсонга йўл қўймаслик учун газета материали район мактабларидаги педагогика коллективлари ўртасида муҳокама қилинди.

«Бурчини унутганлар»

Айрим шифокорларимизнинг беморларга нисбатан ноўрин муносабати ҳақида газетанинг 27 августда босилган материалда фактлар келтирилган эди. Айниқса 31-поликлиника медицина ходимлари ҳақида кўпроқ сўз юритилган эди.

Киров район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири редакцияга йўллаган жавобида 31-поликлиника ходимлари ва район соғлиқни сақлаш бўлими медицина Советида кенг муҳокама қилинганини, коллектив ўртасида медицина хизмати кўрсатиш ҳақида суҳбат уюштирганини билдиради. Шунингдек нуқсонга йўл қўйган врач Н. Заверяева ҳамда регистратор М. Ҳасановага ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлганликлари учун қаттиқ выговор эълон қилинди.

Адабиёт ва санъат

Юбилярларимиз

ОТАХОН

— Ассалому алайкум азиз дўстлар, муҳтарама оналар, ҳурматли ёшлар! «Ёшлик» студиясининг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» туркумидан берилаётган навбатдаги кўрсатувини бошлаймиз...

«Зангори экран» орқали томошабинларга ана шундай сўзлар билан мурожаат этадиган мўйсафид отахон кўпчиликкга таниш. Аммо бу отахон Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Хонкелдиев эканлигини кам одам билади. У ҳозиргача 200 дан ортиқ ана шундай кўрсатувни олиб борди.

Шу кунларда отахоннинг 60 ёшини жамоатчилик кенг нишонламоқда. Айниқса, «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи» туркумидаги кўрсатувларнинг доимий мухлисларидан келаётган табрик телеграммалари беҳисоб. Бу табрикномалар томошабинларнинг отахонга бўлган ҳурмати, меҳр-муҳаббати белгисидир. Карим Хонкелдиев Ёш томошабинлар театрининг етакчи артистларидан бири. Шу билан бирга, мана салкам 12 йилдирки, «Зангори экран» орқали «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувини мунтазам бошловчи сифатида олиб боряпти. Ҳар бир кўрсатувнинг жонли, қизиқарли ўтишида редактор, режиссёр ва актёрлар билан бир қаторда отахоннинг ҳам хизматлари катта. Артист бу ерда фақат нотиқ бўлиб қолмасдан, ўткир педагог ва психолог бўлиши кераклигини ҳам асло унутмайди. Шунинг учун ҳам отанинг ҳар бир сўзи томошабинлар қалбига йўл топа оладн.

Мана шундай қувончли кунларда отахон санъатга биринчи бор кириб келганини зўр ҳаяжон билан эслайди. У нонвой Хонкелди ака онласида дунёга келди. Ушанда отаси «Ҳар нарса қилса ҳам ўгил бола-да, ишимга кўмаклашади, ёрдамчи бўлади» деб суюнганди. Лекин ёш Каримбой нонвойчиликни охирига етказмади. Бу орада еттинчи синфни тугатди-ю кўп нарсанинг фарқига борадиган бўлиб қолди. Бир куни кечга яқин нонни тезгина сотиб келди-да, саватни отасига кўрсатмай ошхонага яшириб, ўзи жуфтакни ростлаб қолди. Бу иш икки-уч қайтарилгандан кейин Хонкелди ака уни сўроққа тутди. Каримбой бир баҳонани айтиб, қаерга бораётганини вақтинча яширди. Аслида у ёзлик театрда «Маликаи Турандот», «Уртоқлар», «Икки бойга бир малай» спектакларини мириқиб томоша қилиб келарди. Ширин орзу-хаёллар уни 1934 йили Андижон Ёш томошабинлар театрига бошлади. У бу ерда актёрлик маҳорати сирларини ўрганишга қунт билан киришди. Ёш ва ҳаракатчан артистга ЎзССР халқ артистлари Т. Жалилов, В. Азимов, О. Нуриддиновлар яқиндан ёрдам беришди. Санъатнинг нозик сирларидан воқиф этишди. Кейинчалик у ҳозирги Андижон область музикали драма театри артистлари қаторидан ўрин олди. Унинг бу саҳнадаги илк роли «Ҳужум» спектаклида Аҳмаджон образи бўлди. Кетма-кет «Бой ила хизматчида» Холмат, «Фарҳод ва Ширин»да Ёсуман каби характерли ролларни муваффақиятли ижро этди.

Санъаткор 1958 йилдан бошлаб Охунбобоев номидаги республика Ўзбек Давлат Ёш томошабинлар театрида ишлай бошлади. Бу театр саҳнасида ҳам қатор, бирбиридан фарқланувчи ролларни маҳорат билан ижро этди. «Карабас-Барабас»да Карабас-Барабас. «Кутилмаган ҳодиса»да профессор Мерлинг. «Чиранма гоз — ҳунаринг оз» да Тешабой, «Мардлар қиссаси»да Нишонқул, «Иқбол»да Шайхулислом, «Абдулла Набиев»да бой, «Довюрак Том»да Том, «Етти миллион умр»да бой, «Абай—эл фарзанди»да Қўнанбой, «Гунчалар»да Қодир, «Эртаклар оламида» боғбон каби образлар шулар жумласидандир.

Ёш томошабинлар театрининг бошқа театрлардан фарқи, ўзига хос томони шундаки, мактаб болалари биринчи бор санъат дарсини шу даргоҳдан оладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир спектакль ва ижро этиладиган роль ижодий коллективга катта масъулият юклайди. Карим Хонкелдиев ижросидаги ролларни кўрганда у ана шу масъулиятни жуда аниқ ҳис этишини яққол сезиш мумкин.

Партия ва ҳукуматимиз Карим Хонкелдиевнинг театр санъатини юксалтиришдаги хизматларини муносиб тақдирлади. Унга 1953 йилда республикада хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистоннинг 40 йиллик тўйида Ўзбекистон ССР халқ артисти деган шарафли унвон берилди.

Биз театр ва «Зангори экран» орқали танилган отахон санъаткор Карим Хонкелдиевнинг келгусидаги ижодига улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Адиба НОСИРОВА.

Янги шеърлар

Вақт суратга олар

«НУР ТЕЗЛИГИ» ТУРКУМИДАН

Фарзанд ўстирамиз, яратамиз боғ,
Ғазаллар битамиз, кутамиз меҳмон.
Хайрли ишимиз бўлмайди адоғ,
Ва биз ёр севамиз, дард чекиб
пинҳон.
Севги офтобининг шан зиёсида
Қалбимиз ҳар бурчи кўринар аён.
Ишқ лашкари босар қалб дунёсида
Худбинлик қўшини қилса ғалаён.
Одам биздан баҳра топгани онлар
Обрўда, иззатда ва кадрдамиз.
Вақт кинога олар бизни, ёронлар,
Айни шу лаҳзада биз—кадрдамиз.
Саҳнада ўйналган сохта фожиа,
Зумда унутилар ёпилгач парда,
Ҳаётда бир қадам боссак ножўя,
Акс-садо беради ўзга қалбларда.
Бизга яқин бўлди юлдуз дунёси,
Шуур риштасидан уладик нарвон,
Бир лаҳза тўхтамас ўсиш киноси,
Йўлда давом этар тинчимас карвон.
Биз гуллар экамиз, кутиб самарни,
Гоҳи шошқалоқмиз, гоҳ сабрдамиз.
Белимиздан ечмай меҳнат камарни
Бахт излаймиз, зотан, биз —
кадрдамиз.
Бахтлимиз ё бахтсиз — қай
ҳолатдамиз,
Кўринамиз кино камерасида.
Оқилмиз ва ёхуд жаҳолатдамиз,
Эҳтимол, шодлик ва ғам орасида.
Қайси дилда биздан қолди жароҳат,
Қайда иккиладик, қайда қалқдик биз,
Олам ҳар дақиқа қилар назорат,
Она халқимизу ва ўз қалбимиз.
Ободни уйнмиз, софни эҳтирос,
Ҳалолни тузимиз, нони бурдамиз,
Биз рост яшаднкми, курашдикми
рост,—
Бор умримиз билан биз— кадрдамиз.
Лента айланади, ўтиб боради
Доно алломалар, жоҳил фотиҳлар...
Тинчлик китобидан сўз ахтаради
Даврон минбарида бийрон нотиқлар.
Олам байроғида «эрк» сўзи ёнар,
Ошиқлар тилида муҳаббат байти.
Бахшининг созида бир куй айланар,
Илҳом соняси, муҳаббат пайти.
Биз — ҳаётсеварлар, Инсонлиб насли,
Туб-тубимиз билан Октябрдамиз.
Тарих тиним билмас киноэкран асли,
Тарих киносида биз — кадрдамиз.

* * *

Йўллар кўп оламда яқин ва олис,
Манзиллар чароғи чақирар ялаб.
Кайларда қолмаган пойимизда из,
Сўқмоқлар кезганда одим-одимлаб.
Боғлар яроқ ёзган соҳил ёнидан.
Сўқмоқлар кетмишдир шўх ва югрик.
Йўллар қайтгани йўқ жанг
майдонидан,
Йўл бошида қолган оналар тирик.
Умр висолданмас фақат иборат.
Баъзида жудолиқ сари солар йўл.
Достоннинг илк йўли—дардли ибора
Ойдин сатрларни бошлаб келар мўл.
Сатрларим менинг —ўтган йўлларим,
Йўллар гарди пинҳон сатрлар аро.
Ким манзилга етмай, қолди йўл ярим,
Кимлар кўрнимайди ботирлар аро?
Оқ-оппоқ уфқлар жамол кўргизиб,
Омад сўқмоқлари ишлайди дилдор.
Кўнглимизда сафар тилагин сезиб,
Эшикда дамба-дам кишнайди тулпор.
Кутлуғ юрт тупроғин олиб кафтига,
Мени ҳам йўлларга узатган онам.
Шундай: оқ йўл тилаб космонавтига,
Ўйчан термулади ортидан олам.

Анвар ИСРОИЛОВ.

ЮРТИМ МАДҲИ

Суртай қора кўзимга юртимнинг
тупроғидан,
Меҳрим жўшиб тошадир қалбимнинг
қирғоғидан,
Ҳар куни қуёш мендек соғиниб
дийдорини
Бағрига босиб бўлса олгуси яноғидан.
Жавоҳирлар конига маскан бўлган
Ватаним,
Шаънига шеър тўқийман ижодим
булоғидан.
Боларидек ҳамиша асал йиғмоқ
одатим,
Шу турмушу табиат гулларин
яроғидан.
Улуғ халқим ишқида қалбим ҳаёт
боғидир,
Асрор зафар қучуси мангулик
қучоғидан.

Асрор ОЧИЛОВ,
ишчи.

Бош қаҳрамон — пахтакор

Латофатли ёз тонги. Икки чекаси мирзатераклар саф тортган кўчадан бир киши, йигитча ва икки аёл — ҳаммаси велосипед мининб боришяпти. Велосипеднинг юкхонасига қийиқча тугун ҳам боғлаб қўйилган: нон бўлса керак. Атрофдаги ям-яшил ранг, одамларнинг чеҳрасидаги сокинлик кишига алланечук кўтаринки руҳ бағишлайди. Сиз тонгда ўзингиз ҳам кезиб юргандек, мусаффо ҳаводан нафас олаётгандек бўласиз. Бу — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Маннон Саидовнинг «Онла» деб номланган асаридир. Рассомнинг бу асари ўзининг тематик чуқур мазмундорлиги, унда тасвирланган қаҳрамонлар — онла аъзоларининг ўзига хос ички дунёси ёрқин очиб берилганлиги билан кўплаб томошабинлар диққатини тортади. У тематик асарлар учун эълон қилинган республика конкурсида мукофот олди, Иттифоқимизнинг марказий матбуотларида чоп этилди.

Республика «Билим уйи»да рассомнинг 50 йиллик юбилейига бағишлаб Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳамда республика Рассомлар союзининг ташаббуси билан очилган кўргазмада ҳам бу асар кўп томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда. Маннон Саидов ижодига диққат билан назар солсангиз, унинг асарларида меҳнат қишси, айниқса, пахтакорлар образи етакчи ўрин тутишини кўрасиз. Рассомнинг «Хирмонда», «Дўгоналар», «Бригадир», «Пахтакорлар», «Онла», «Чўпон», «Узум узиш», «Тушлик», «Колхоз механизатори», «Нормасини бажара олмади» каби асарлари ана шу мавзуга бағишланган.

Тасвирнинг аниқлиги, қаҳрамонларнинг ўзига хос хусусиятини ёрқин очиш жиҳатидан «Дўгоналар» асари айниқса, ажралиб туради. Кенг дала, куз охирлаб қолган. Остида меҳнаткаш замондошларимизнинг ёрқин қиёфаси акс этиб турибди. «Бригадир» асарида эса айни ёз палласида пахтазорни кезиб юрган аёл тасвирланган. Унинг юзи офтобдан қорайиб кетган. Кўз қарашлари қатъий. Жуссаси баҳувват. Хуллас, 'далада ўзимиз кўриб юрган тадбиркор пахтакор аёлларнинг типик образи.

Рассом М. Саидов бундай реалистик образларни яратишга дарҳол муваффақ бўлмади. Бунинг учун у 25 йиллик ижодий изланиш йўлини босиб ўтди. У 1939 йилда П. Беньков номидаги республика бадиий билим юртига ўқишга кирди. Бу ерда тажрибали устозлардан таълим олганидан кейин Ленинграддаги И. Репин номли тасвирий санъат, архитектура ва ҳайкалтарошлик олий институтида таҳсил кўрди. Бу пайтда у ўзининг дастлабки асарлари— замондошлар портретларини турли виставкаларда намойиш қилди. 1953 йили яратган «М. И. Калининнинг Урта Осиёга келиши» деб номланган тематик асари унинг чинакам истеъдодли санъаткор эканлигини кўрсатди. Асарда қаҳрамонлар психологияси чуқур очилган. Композицияси пухта.

М. Саидов ўз ижодини камолотга етказиб бориш билан бирга, педагог сифатида ҳам самарали меҳнат қилди. У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтида муносиб шогирдлар тайёрлади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари К. Башаров, Б. Бобоев, истеъдодли рассом В. Бурмакинлар ана шу устоз қўлида ижод сирларини ўрганган рассомлардир.

Кейинги йилларда М. Саидов сюжетли-тематик асарлар устида ҳам самарали ижод қилди. Унинг «Мактаб очилади», «Саводсизликни тугатиш» асарлари совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги серташвиш ва жўшқин ҳаётни акс эттиради. Таҳталардан оддийгина қилиб ясалган қўпол стол, узун ўриндиқ. Уч қиз ёнма-ён ўтиришибди. Улар қаҳ паранжини ташлашга ҳам улгуришмаган. Ўрнидиқ суянчиғига паранжи-чачвонни илиб қўйишипти. Аммо қизларнинг чеҳрасида келажакка ишонч бор. Улар эртанги кунлари янада бахтлироқ эканини, олдинда порлоқ келажак турганини яхши билишади. Булар ана шу келажак учун курашга отилган тўнғич қалдирғочлар. Қаҳрамон опаларимиз. Асарда ўзбек аёлларининг илм-маърифатга эришиш шу тарика жонли ифодаланган. Томошабинлар унинг олдида узоқ-узоқ туриб қоладилар. Бу асар ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон рассомларининг Москвада ташкил этилган зонал кўргазмасида катта эътибор қозонди.

«Мактаб очилади» асарида ҳам ғоят драматик ҳолат акс эттирилган. Унда сиз ҳаётдан аллақачон аҳралиб қолган, аммо жон-жаҳди билан ўз мавқеини сақлаб қолиш учун курашаётган эскилик билан ҳаётга кириб келаётган янгилик ўртасидаги олишувни кўрасиз. Асарда инқилоб жарчиси Ҳамза образи драматик ҳолатда ёрқин ифода этилган.

Кўргазмада истеъдодли санъаткорнинг турли йилларда яратган юздан ортиқ полотноси ўрин олган. Улар орасида томошабинни чуқур ўйга толдирадиган пухта асарлар ҳам ҳали ниҳоясига етмаган баъзи этюдлар ҳам бор. Миллий колорити жиҳатидан алоҳида аҳралиб турадиган, томошабин қалбида беихтиёр илиқ туйғулар уйғотадиган асарлардан бири «Ўсма» деб номланади. Иккн дугона каттакон тол тагидаги сўрида ўтириб олиб, ўсма қўйишяпти. Улар дарс тайёрлашни ҳам унутишган. Қизларнинг бутун эътибори рўпарасидаги кўзгуга қаратилган. Асарни томоша қилсангиз, ёшлик завқи қалбингизни тўлқинлантириб юборади. Атрофдаги манзара ҳам, сўрига ёзилган шолча ҳам миллий колоритни янада кучайтиради.

Кўргазманинг таассуротлар дафтарини варақласангиз, томошабинлар завқини яна бир бор ҳис қиласиз. «Ҳурматли устоз Маннон Абдусаматович, — деб ёзади К. Усмонов. — Сизнинг асарларингизни мароқ билан томоша қилдик. Айниқса, «Дугоналар», «Аския» асарларингиз ва этюдларингиз маъқул бўлди». «Натурадан чизилган» этюдлар, айниқса, «Саводсизликни тугатиш», «Дугоналар», «Онла», «Хирмонда», «Пахтакорлар» яхши асарлардир, — деб ёзади томошабинлардан яна бири. — Булар ниҳоясига етган асарлар. Уларда характер, образ яратилган. «Аския»нинг янги варианти яратилиши керак. Акс ҳолда, у «Суҳбат» бўлиб қолгани маъқул. Рассом инсон қиёфасини, характерини кўрсатишда ўз тасвири устида яна ишлаши керак... Умуман рассом камолот остонасидан ўтаётганлиги кўринib турибди. Маннон акага саломатлик, омад тилайман».

Булар — таниқли рассом ва устоз ҳақида айтилган илиқ олқишлар хайрли ниятлар. Асарларнинг томошабинлар томонидан буйдай қизғин кутиб олиниши, баъзан мунозараларга сабаб бўлиши, уларнинг ҳаётийлигидан дарак беради.

Б. БОБОЕВ.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Маннон Саидов асарларидан фоторепродукциялар.

Ю. Бутусов фотолари.

Халқободлик шоира

Кегайли районидаги Халқобод посёлкасининг кутубхоначиси Миириғул Оржанова ўзининг илк шеърий тўпламини «Она қалби» деб атади. «Қорақалпоғистон» нашриёти бу китобчани босиб чиқарди.

Миириғул опа Оржанова — Орол бўйидаги кенса халқ шоирларидан бири. Олисдаги овуллиқ деҳқоннинг қизи бўлган Миириғул ўзининг биринчи шеърини бундан анча илгари — ўттизинчи йилларда ёзган эди. Шоира «Биз ватан қизларимиз», «Қизил колхоз», «Ватан» деган шеърларида Шарқдаги аёлларга озодлик, тенг ҳуқуқлилик берган янги ҳокимиятни мадҳ этади.

Миириғул 16 ёшида муаллималик қилиб, Қорақалпоғистон овулларида саводсизликни тугатишда фаол қатнашди. Одамларни ўқитди, ўзи ҳам ўқиди. Ишчилар факультетини, Педагогика институтини тамом қилди. Миириғулнинг эри қирқ биринчи йилда фронтга жўнаб кетиб, урушдан қайтмади. Миириғул боқиб олган фарзанд оғир жудолик азобини енгишда ёрдам берди. Ўғли ҳам мактабни тугатгач, педагог бўлишга аҳд қилди. Ҳозир Усарбой Миириғул опа узоқ вақт мобайнида дарс берган Халқобод мактабида ишлайди.

Яқинда Қорақалпоғистонда чиқадиган «Амударё» журналида Миириғул ва Усарбой Оржановларнинг повести босилиб чиқди. Она ва унинг ўғли Амударё соҳилларидаги дастлабки коммунистлар билан комсомоллар тўғрисида. Совет ҳокимияти ўлкани қандай ўзгартириб юборгани тўғрисида ҳикоя қиладилар.

Миириғул опа ҳозир ўз ҳамқишлоқлари, пахтакорлар ва ўқитувчилар, чорвадорлар ва врачлар тўғрисида поэма ёзмоқда.

М. ЧИМБЕРГЕНОВ,
(ЎзТАГ).

ФУРСАТ ҚАДРИ

Календардан
Бир варақ кетди.
Демак бир кун
умр бедарак.
Кетишида
нима деб айтди?
Юрак шуни
билолмай ҳалак.
Нима дерди:
«Ҳар дақиқадан —
Фойдаланиб
қолмоқлик керак».

Расулжон ЮНУСАЛИЕВ.

ҚИСМАТИМ

Ишқ даштига сафар истадим,
Фидонийлиқ бўлди қисматим...
Саробларга йўлиқдим қанча,
Ҳиюкронларга, севинчларга ҳам,
Йўлиқдим дард, пушаймонгача.
Армонларга, ўкинчларга ҳам.
Барчаси: дард, севинч ва алам,
Армон, висол, ҳиюкронларда ҳам;
Ёшлигимда, букунларимда,
Эрталарим, индинларимда...
Муҳаббатнинг исмини кўрдим,
Муҳаббатнинг изини кўрдим...
...Висотимда қолмай ҳеч вақо.
Топмай қудрат, қолмай ялоним
Фарёд билан чок этиб ёқа,
Муҳаббатга бахш этдим жоним.
Каптар каби учирдим уни:
— Муҳаббат, бу ҳам сенинки —ол!
Ахир, ким ҳам қилмасди шуни,
Тушганида бошига бу ҳол!
Ишқ даштига сафар истадим,
Фидонийлиқ бўлди қисматим...

ОТАЕР.

Куз

Изгирин зарбидан
ноилож,
Бош чайқаб
тўқилар яproқлар.
Изгирин зафридан
ялангоч,
Титраган новдалар
ва шохлар.
Бўронлар букса-да
қаддини,
Титраши турсада
зору-зор.
Шохчалар бағрида
яширин,
Баҳордан дарагчи
қудрат бор.
Дош бериб
қаҳратон қаҳрига,
Кўз тутар
баҳорга новдалар.
Ялдизлар...,
Иссиқ ер бағрида,
Тиллардан
ҳеч тушмай
мақталар.
Рўёмиш ниҳоллар
ялдизсиз,
Буни рад этмоққа
ожизман.
Лекин, хўш
сиз менга айтингиз,
Не фойда ниҳолсиз
ялдиздан?!
Шохчалар чийиллар,
эҳ, ҳазин,
Яproқлар заминга
тўшалар.
Ялдизда куч,
қудрат борлигин,
Кўрсатган, аслида,
ўшалар!

Йўлдош ЭШБЕКОВ.

Янги китоблар

„ЮРАКДАГИ МАВЖЛАР“

Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт ва санъат нашриёти таниқли шоир Зоҳиджон Обидовнинг «Юракдаги мавжлар» деб номланган янги шеърлар тўпламини босмадан чиқарди. Унда ижодкорнинг кейинги даврда яратган шеър ва қўшиқлари жамланган.

Шеърлар мавзуси ранг-баранг. Шоир уларда Ватанимиз гўзаллигини, кишиларимизнинг бунёдкорона меҳнатини, замондошларнинг меҳру муҳаббати ва садоқатини мадҳ этади.

Республикамиз санъат мухлислари Ўзбек Давлат «Баҳор» рақс ансамбли 1973 йилги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганлигини нувонч билан кутиб олдилар. СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги бу ансамбль шуҳрати Иттифоқимиздан ташқарида ҳам кенг ёйилган. Унлаб чет мамлакатлар санъатсеварлари уларнинг маҳоратига таҳсин ўқишган.

«Баҳор» ансамбли рақосалари шу кунларда ўз репертуарларини янада бойитиш устида ишламоқдалар. Улар юксак мукофотнинг катта масъулиятини яхши ҳис қиладилар.

СУРАТДА: Мукаррама Турғунбоева ва ансамбль рақосалари.

Г. Пун фотоси,
(ЎзТАГ).

Тун шеъри

Бир кеча тун бўйи ўлтириб чиқдим.
Шеър ёзмоқлик эди асли истагим,
Дераза рахига қўйиб тирсагим,
Кечанинг ҳуснига тикилдим узоқ,
Табиат қалбига тутганча қулоқ.
Табиат — дунёвий, сирли корхона,
Кеча — қора ишчи ҳорғин, мардона,
Ун элар — эртанинг хамиртуришн,
Залворли замнннинг юрак уруши.
Шошади «тез ёрдам», юк машинаси,
Кимдир кузатади меҳмон-ошнасин.
Навбатчи трамвай чопар ташвишда,
Темир йўл, она ер хизматюмушда,
Анҳор сувларининг шилдирашини,
Ғунча ғаблариннг шивирлашини
Тиниқроқ, аниқроқ эшитдим шу тун,
Завод мўрисидан эшилар тутун.
Эшитдим далалар ҳансирашини,
Унгимда кўрдим мен деҳқон тушини,
Дарахтлар сояси, ой ёғдусида
Икки ёш чирмашиб турар осуда.
Бир лаҳза мудрамай ўтказдим тунни.
Мавжудот басталар «Тонг» отлиг
куйни.
Туннинг қўшиғида кундуз мавзуси,
Менинг юрагимда шеър орзуси...
Шу кеча тун бўйи ўлтириб чиқдим.

Қамчибек КЕНЖА.

⊙ Мамлакатлар, одамлар, одатлар

Арвид КЛЕМЕНСЕН,
Дания этнографи.

БАЙНИНГЛАР

Басуро бўлмаганда балки бу ерга келолмаган бўлардик. Басуро қирқ ёшлардаги сергайрат киши бўлиб, у билан Тованококодаги лагерда танишганмиз. Тованококо -Янги Британия ороли тоғлари оша бўлажак юксак кучланишли электр линияси ўтадиган йўлни белгилаётган геодезистларнинг лагери. Янги Британия ороли шимоли-шарқий қисми. Ғазал ярим ороли тоғига бу ердан бориш осонроқ бўлгани учун лагерга келган эдик. Бу тоғда байнинглар деган умумий ном билан аталувчи қабилалар яшайди. Улар ер юзасидаги энг қолоқ қабила бўлса керак.

Йўл кўрсатувчисиз ва ҳаммолдарсиз йўлга чиқиб бўлмасди. Геодезистлардан бири-ватандошимиз Свен Харальдсен бизга Басурони тавсия қилди. Басуро тоққа бирга бориш ҳақидаги таклифимиздан мамнун бўлмади, лекин ўйлаб кўриб, текин пул йўлда тушиб ётмайди, деган қарорга келди шекилли таклифимизни қабул қилди. Икки кундан кейин ўндан ортиқ ҳаммол билан бирга йўлга чиқишга тайёр бўлдик.

Ўрмонда ёш дарахтларни кесиб йўл очишга тўғри келди. Бахтимизга Басуро энг осон йўлни дарҳол танлай олади. Мен йўл машақатларидан бошқа ҳамма нарса тўғрисида ўйлаб йўл босябман. Фикри-хаёлим доим бир нарсага бориб таналади: бизни қабул қилишга байнинглари кўндира оларминканмиз? Бундан бир неча ой олдин байнинглар қандайдир товарлар билан тоққа борган ўн бир соҳиллиқни ўлдириб юборишган.

Басуро билан ҳаммоллар бу воқеани эшитишган, лекин бундан ташвиш қилаётгани йўқ. Сен тоғликларнинг қонунлари ва урф-одатларини ҳурмат қилсанг, дейди Басуро, сенга ҳеч нарса бўлмайди. Ўлдирилганлар бирор нарсани ўғирлашга ҳаракат қилганига ёки байнинг аёлларига кўз олайтиргани Басуронинг ишончи комил. Нима қилишган бўлса ҳам уларни қилмишига яраша жазолашган. Чангалзорларда маданий дунёдагидан фарқ қиладиган бошқа қонунлар бор. Бу изоҳ ишончли туюлди ва мен анча хотиржам бўлдим. Басуро билмай гапирмайди: у мана шу оролда туғилиб, шу ерда ўсган. Унинг гаплари тўғри: бегона одам бу ердаги ишларнинг урф-одатларини ҳурмат қилмоғи керак; ана шунда дўстона муносабат бўлади.

Шу сабабли мен Басурога тўла ишонаман, биз бораётган қишлоқ оқсоқолининг ҳамма кўрсатмаларини бажаришга тайёрман. У қишлоқда қолишимизга рухсат беради, байнинглар ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўламиз деб умид қилиб кетяпман.

Сўқмоқ дарахтлар орасидан ўтади, осмон кўринмайди. Баъзан шундай туюладики, гўё биз қоронғу ва нам ертўла ичида адашиб юргандаймиз.

Кичик ялангликдан ўтганимиздан кейин яна дарахтзор бошланди. Осмонда енгил тутун кўринди. Басуро қишлоққа яқинлашиб қолганимизни айтди.

Тор сўқмоқдан кенг ялангликка чиқдик, ялангликка чўқур жарликка келиб тақалади. Худди шу жарликнинг ёқасида ўттиз-қирқ уй бор, томи шохлар билан беркитилган. Тутун томдаги туйнукдан чиқиқда, Тўрт киши биз томон юрди, Басуро улар билан узундан узоқ музокара бошлади. Назаримда, одамлар уни яхши тушунмаётгандек эди, лекин бироздан сўнг у мен томонга ўгирилиб, кетдик, дегандек ишора қилди.

Байнинглар олдимизда боришяпти. Улардан бири бутунлай ялангоч, бошқасининг кичкина лунгиси бор, банан баргининг ярмисидан ясалган; иккитаси эса ип газламадан тиқилган узун юбка — лап-лап қийиб олган. Геодезистлар омборида бундай газлама кўп, аммо байнинглар қаердан олишганликин? Бизни энг катта уйга бошлашди. Лулуай —оқсоқол шу ерда яшайди.

Қулбага деярли эмаклаб, кириб лулуай олдида тўхтадик. У ерда ўтирибди. Қулбанинг катталиги тўққиз квадрат метрча; эшик рўпарасида гулхан ёняпти, оловнинг узун қизил тилларн қизарган бир уюм тошни ялайди. Бурчакка панданус баргидан тўқилган бўйра ташлаб қўйилган: чамаси бу уй бекасининг ётадиган жойи. Бироз вақт ўтгач тутундан гирашира қоронгиликка ўрганиб, оқсоқолни аниқроқ кўрдим.

Бу ёшини аниқлаб бўлмайдиган ориқ киши. У бақириб, қўлларини қимирлатиб гапиради. У Басуродан нимани сўраётганини тушунгандай бўламан: қишлоққа нима учун келганимизни сўраяпти. Биз байнинглар ҳаётини ўрганишни, уларнинг қулбаларини суратга олишни, рақсларини кўришни хоҳлаётганимизни тушунтириб, Басуро лулуай билан узундан-узоқ гап бошлади. Басуро унча бой бўлмаган пиджин-инглиш тилида менга таржима қилиб турди.

Уч соатлик сўроқ-жавобдан кейингина оқсоқол бизни қишлоққа киритишга рози бўлди. Бу қабилада, деди у, юзга яқин киши бор. Кўпчилик қисми шу қишлоқда яшайди, қолганлари тоғ оралиқларидаги кичик манзилларда туришади.

Илгари қабила урушқоқлиги билан машҳур эди. Орол ҳокимияти (ҳеч бўлмаганда шу оқ-ругда) байнинглар ҳаётига аралашишга уринишларидан аллақачон воз кечган, байнинглар эса соҳил томонга ҳеч қачон тушишмайди. Мен бу ерда ўлдирилган ўн бир киши ҳақида бирор тафсилотни билиб олишни истардим, лекин оқсоқол бу мавзуда гапиришдан қатъий бош тортди.

Лулуай Басурога ўз жангчиларининг ботирлиги, қудрати ва ғалабалари ҳақида гапириб бераётганда мен бу халқ ҳақида ўқиганларим ва эшитганларимни эслашга ҳаракат қилдим. 1940 йилда Ғазал ярим оролида, айниқса Чатчат, Урамот, Ассимбали ва Малн округларида олтмиш мингга яқин байнинглар яшарди. Ҳозир улардан бир-биридан катта фарқ қиладиган ва бир-биридан ажралган озгина қабилалар қолган. Оролни Япония босиб олган даврда кўмондонлик байнинглари зўрлик билан армия учун ишлатишга уринган: юк ташитган, оноплар қаздирган. Бош тортганларга бир хил жазо — отиш. Малн округида босқинчилар бутун-бутун қишлоқларни пулемётдан ўққа тутганлар. Қишлоқлар ва далаларни ўрмон қопланди, чангалзорга қочишга улгурган кишилар эса очликдан ўлиш хавфи остида ночор яшаганлар.

Байнинглар тугаб бормоқда, бу жараённи тўхтатиш қийин. Байнинглари пастликка кўчиришга қайсарлик билан уринаётган Австралия ҳокимияти ҳам бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшди. Шу мақсадда бир неча қишлоққа ўт қўйилди, қишлоқ аҳли эса соҳил бўйига олиб кетилди. Маъмурият ўз ҳаракатларини изоҳлаш учун тоғдаги ерлар ишдан чиқиб қолди ва байнинглари боқа олмайди, деб баҳона қилмоқда. Бу гапда жон бор, лекин байнинглар одатда бир жойда узоқ яшамайдилар, ер ишдан чиқиб, ҳосил уммай қолгач, улар қишлоқни ташлаб кетадилар, ўрмоннинг бошқа бир қисмига ўт қўйиб, ер очадилар ва ҳамма ишни яна бошдан бошлайдилар. Уларнинг анъанавий ҳаёт тарзига/ ҳар қандай аралашиш қабиланинг туғаш жараённи тезлатади, холос.

Сўнгги байнинг Ер юзидан ғойиб бўладиган, ўз халқининг жумбоқларини ўзи билан бирга олиб нетадиган вақт узоқ эмас, деб кўрқаман. Фан эса бу халқ тўғрисида жуда кам нарса билади.

Жумбоқлар эса оз эмас.

Байнинглар бадани ранги соҳил бўйида яшайдиган меланезийларникига нисбатан очроқ. Тилининг эса меланезийлар тилига ҳеч қандай ўхшашлиги йўқ. Антропологлар уларни Янги Британия ороли соҳилларига меланезийлар ўзларининг қайиқларида сузиб келганларидан анча олдин шу ерда яшаган туб халқнинг қолдиқлари деб ҳисобламоқдалар.

Байнинглар қулфурушлар қишлоқларига бостириб келгунга қадар тоғдан бошқа жойлардаги ҳаётдан бутунлай бехабар эдилар. Масаси кўрфази соҳилларидан, Урара ва Ватана оролларидан келган одамлар Байнинг тоғига қул тутиб келиш учун экспедициялар уюштиришарди. Улар байнинглар-нн ушлаб, ороллнинг шимол томонига сотиб юборардилар. Масаси соҳил бўйига яқин ороллларда қул бозори авж олган эди. Қабила бошлиқлари қул байнинглрни таро ва ямс экинларини парвариш қилишда ишлатишарди. Байнинг қулнинг ҳаёти шу қадар арзон эдики, ўтган асрда ҳам соҳилда уй қураётганда унинг тўрт бурчагига тўрт тирик қулни кўмардилар.

Соҳилдаги кишиларнинг тилида «бай» сўзи денгиздан узоққа нетиш деган маънони билдиради, «нинг» эса тасаввур қилиб бўлмайдиган содда, ёввойи деганн. Шундай қилиб, «байнинг» мамлакат ичкарисида яшовчи ёввойи одамлар деганидир.

Яхши уюшган ва кўпинча оқ танлилардан олинган қуроллар билан қуролланган меланезийларга байнинглар қаршилик кўрсата олмадилар. Уларнинг ягона ҳимояси тоғ эди. Улар тобора юқорига, чиқиш энг қийин жойларга қочар эдилар.

...Қулбага бир неча аёл кириб келди. Улар белларига увуна дарахти пўстлоғидан ясалган энн синчалоқдек келадиган қайиш тақиб олишган. Уларнинг ҳамма кийими шу қайишдан иборат, менга худди шундай туюлди. Лекин мен адашган эканман. Бир аёл гулхан ёнига ўтирар экан, қўлини орқасига узатиб қандайдир ҳаракат қилди ва у от думига ўхшаш нарсанн остига солаётганини кўрдим. «Дум» қайишга боғлаб қўйилган экан. Бу аёлга жуда ҳавасим келди. Чунки зах ерда ўтиравериб бутун баданим қақшаб оғриб бошлаган эди, Остимга худди шунақа дум — байнинглар тили билан айтганда мисни қўйиб олиш учун қанча деса ҳам ҳақ тўлаган бўлардим. Аммо мисни аёллар кийими ҳисобланади. Боя бизни кутиб олган лап-лап қийган икки киши ҳам қулбага кирди. Ҳозир улар ҳам қиппялангоч эди. Чамаси лап-лап чет эллик меҳмонларни кутиб олиш вақтида кийиладиган ўзига хос дипломатик кийим эди.

Бунга қадар гулхан ёнига ўтирган аёл тўрвадан таро картошкасини олиб, тилим қилиб кесиб, катта идишга сола бошлади. Ростини айтганда, бу идиш пўстлоқдан тўқиб ясалган сават эди. Сават остига олдин қиздирилган тош қўйди. Катта кўм-кўк барглари ҳам ўша саватга сола бошлади. Басуро менга бу камоте барги жуда мазали эканлигини тушунтирди. Кейин яна тош солинади, устига яна таро ва камоте солинади, шу тарика идиш тўлдирилади.

(ДАВОМИ БОР).

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27|XI да **Концерт** (ўзбек тилида), 28|XI да **Марварид изловчилар**, 29|XI да **Рус кишилари**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27|XI да **Ой тутилган тунда**, 28|XI да **Абу Райҳон Беруний**, 29|XI да **Парвона**.

МУҲИММИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28|XI да **Ўжарлар**, 29|XI да **Хотиннинг эри**, 30|XI да **Қонли тўй**.

Кино

27 НОЯБРДА

Қум ҳарёри генераллари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 20.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00).

Привалов миллионлари (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Анупама — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Жавоҳир маликасига ҳужум — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Манеж қироли — «СПУТНИК» (11.00, 12.00).

Мушук излари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

28 НОЯБРДА

Қум ҳарёри генераллари — «ЎЗБЕКИСТОН» «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун) ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 20.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00).

Привалов миллионлари (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Анупама — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Мушук излари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Манеж қироли — «СПУТНИК» (11.00, 12.00).

Жавоҳир маликасига ҳужум — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Эҳтиром ташрифи — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Жавоҳир маликасига ҳужум — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Манеж қироли — «СПУТНИК» (11.00, 12.00);

Мушук излари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

СССР КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИ
МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
27—30 НОЯБРЬ КУНЛАРИ
Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишлаб
ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР, МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАД ШАҲАРЛАРИ ТЕРМА КОМАНДАЛАРИНИНГ
СССР КУБОГИ УЧУН
САМБО КУРАШИ БЎЙИЧА
МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗАДИ
КОМАНДАЛАР СОСТАВИДА СССР, ЕВРОПА ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ ҚАТНАШАДИЛАР.
Мусобақалар ҳар куни эрталаб соат 11 да ва неч соат 6 да бошланади.
МУСОБАҚАНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ—27 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 6 ДА.
Мусобақанинг бош судьяси — халқаро категорилдаги судья Ю. СААКЯН (Таллин шаҳри).
Билетлар спорт залн кассаларида ҳар кунн эрталаб соат 10 дан бошлаб сотилади.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ТЕЛЕВИЗОР

26 НОЯБРЬ

ДУШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.20 Кўрсатувлар программасн. **Рус тилида:** 18.25 «Советский воин». Телевизион журнал. 19.15 **«Ахборот»** информацион программасн. **Узбек тилида:** 19.30 Оламда нима гап?». 19.55 Ўн минут музыка. 20.05 **«Ахборот»** информацион программасн. 20.25 Телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт. **Москва кўрсатади.** 21.00 **«Вақт»** информацион программасн. **УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР.**

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.20 Ҳужжатли фильм. 18.40 Л. Бетховен. Фортепнано ва оркестр учун 5-концерт. 19.20 Ўқувчилар учун. «Костёр». 19.50 Ўтмиш киноленталари. «Номус». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 21.00 «Қалб тароналари» (ўзбек тилида). 21.30 **«Ёшлик»** студияси кўрсатади. Спорт кўрсатуви (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.00 Украина санъат усталари ва бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. Киевдан олиб кўрсатилади. 23.40 «Екутистондаги учрашувлар». Телевизион ҳужжатли фильм.

Учинчи программа. 18.20 дан Душанба кўрсатади.

27 НОЯБРЬ

СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.15 Кўрсатувлар программасн. 12.20 Янгиликлар. 12.30 «Талабларингизни бажо келтирамиз». Концерт. 13.15 «Ганг дарёсининг қизи». Телевизион бадиий фильм. 14.30 **ИНФОРМАЦИОН ПРОГРАММА. УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНДА БУЛИШИГА ДОИР.** 15.00 С. Прокофьев. Бешинчи симфония. Бутуниттифоқ радиоси ва телевидениеси Катта симфоник оркестри чалади. 15.40 **Рангли телевидение.** «Баньян таналн». **Кўрсатувни Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг сиёсий шарҳловчиси В. Дунаев олиб боради.** 16.00 «Камчаткадаги тадқиқотлар». Географиянан ўқув кўрсатуви. 16.30 «Фан оламида». 17.00 «Андерсен эртакларн». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 17.30 Кўрсатувлар программасн. 17.35 Янгиликлар. 17.45 «Чебоксар трактор заводи». Репортаж. **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Кўрсатувлар программасн. 18.10 Болалар учун мультфильм. **Узбек тилида:** 18.30 Ўқувчилар учун. «Ёш куч» спорт программасн. 19.00 «Халқ контроли экрани». 19.30 **«Ахборот»** информацион программасн (рус тилида). 19.45 Ўн минут музыка. 19.55 **«Ахборот»** информацион программасн. 20.15 Лирик концерт. **Москва кўрсатади.** 21.00 **«Вақт»** информацион программасн. **УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНДА БУЛИШИГА ДОИР.** 22.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги учун. 1/8 финал ўйинлари. **«Динамо»** (Киев) — **«Штутгарт»** (ГФР). Киевдан олиб кўрсатилади.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.00 Ўқувчилар учун. «Ёшлар ижоди». Концерт. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.00 А. ва П. Тур. «Ягона гувоҳ». М. Горький номидаги Москва Бадиий Академик театри постановкаси асосида ишланган телевизион фильм-спектакль премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 21.00 «Киноқўзгуда — ҳаёт». Кинокўрсатув (рус тилида). **Узбек тилида:** 22.00 Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. «Ўрмончилик факультети». 22.30 СССР халқлари адабиёти. Константин Симонов.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ
«ДИЛОРОМ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА
«ТОШКЕНТ-САМАРҚАНД-ТОШКЕНТ» МАРШРУТИ БЎЙИЧА
БАЙРАМ САЁҲАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ
Путёвка нархи — 25 сўм.
ТУРИСТИК ПОЕЗД 4 ДЕКАБРЬ КЕЧҚУРУН ЖУНАБ КЕТАДИ ВА 6 ДЕКАБРЬ ЭРТАЛАБ ҚАЙТИБ КЕЛАДИ.
Путёвкаларни нанд пулга ва перечисление йўли билан қуйидаги адресдан олиш мумкин: Тошкент шаҳар-61, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй.

„УЗЭНЕРГОСБИТ“
АБОНЕНТЛАРГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОНДАЛАНГАНЛИКЛАРИ УЧУН СЧЁТНИ ҲАР ОЙНИНГ 10 ЧИСЛОСИГАЧА ЁЗИШЛАРИ ЛОЗИМЛИГИНИ
ЭСЛАТИБ ЎТАДИ
Пулларни эса Давлат банки ёмонат кассаларининг кирим кассаларига топширинг.
УТГАН ВАҚТ УЧУН ҚАРЗЛАРИ БУЛГАН АБОНЕНТЛАРГА ЎЗ ҚАРЗЛАРИНИ ТЕЗДА ТУЛАШЛАРИНИ
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
ЕДДА ТУТИНГ! Счётларнинг ўз вақтида тўланмаслиги электр энергиясининг огоҳлантиришсиз ўчириб қўйилишига олиб келади.

«УЗЭНЕРГОСБИТ».

АВТОХЎЖАЛИКЛАР, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ШОФЁРЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ЎЗБЕКИСТОН ССР «ГЛАВНЕФТЕСНАБСБИТ»И
МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ
республикамизнинг автомобиль ёқилғиси билан таъминлайдиган станциялари нефть маҳсулотларини ягона талонлар ва бозор фондининг талонлари билан транспорт воситаларининг бакларига бевосита қуйиш йўли билангина
СОТАДИ
Ёқилғи билан таъминлайдиган станцияларда ёнилғи ва ёғлаш материалларини бочка, бидонлар, канистр ва бошқа идишларга қуйиб бериш тақиқланади.

«Главташкентстрой» транспорт бошқармасининг 2-АВТОБАЗАСИГА
1, 2, 3 класс шофёрлари
КЕРАК
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан ҳамда Тошкент шаҳрида доимий прописка билан таъминланадилар.
Оилалиларга навбати билан квартира берилади.
Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Кўча тасодифлари

ГАИ БЮЛЛЕТЕНИ

Карл Маркс кўчасида 10 ноябрь куни транспорт тўқнашуви ҳодисаси юз берди. Бу ҳақда автомобиль инспекцияси ходимларининг тузган протоколида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Икарус-260» маркали 00—32 ТНИ номерли автобус ҳайдовчиси Г. Яксонов орқага бурилиш ҳаракати тақиқланган жойда машинани орқага қайтарди. Натижада у 39—05 ТНВ мотоциклини уриб юборди. Кўча ҳаракати қоидаларининг кўпол равишда бузилиши мотоцикл ҳайдовчиси М. Ориповни шифохонага ётишга мажбур қилди.

Шаҳар халқа йўлида 11 ноябрь куни «Волга» М—21 маркали 70—00 ЮКВ номерли машина ҳайдовчиси А. Абишев ҳам машинани орқага буришда ўта эътиборсизлик қилди. Натижада у енгил машинани иккита автомашинага олиб борди. Биринчи галда «Раф» маркали 05—49 ТНЗ номерли кичик автобус билан, ундан кейин эса «ММЗ—555» маркали 40—63 ТНЗ номерли самосвал билан урилди. Тўқнашув оқибатида тўрт киши жароҳатланди.

12 ноябрь куни 69—98 ТШГ номерли мотоколяска ҳайдовчиси Ахмадгариев Пушкин кўчасида бора туриб ҳаракат қоидаларини икки марта бузди. У йўлнинг иккинчи қаторига ўтиб бурилмоқчи бўлди ва қаршисидан келаётган «Москвич— 408» маркали 37—98 ТНД номерли автомашинага йўл бермади. Кўча қоидаларини менсимаслик ва унга эътибор бермаслик оқибатида авария юз берди. Мотоколяска ҳайдовчисининг ўзи эса қаттиқ жароҳатланди.

13 ноябрь куни 17-шифохонага жароҳатланган ҳайдовчи Чердаконви олиб келишди. Уни касаллик ўрнига ётишга кўча қоидаларини бузиш оқибати мажбур этди. У Уста Ширин кўчасида мотоциклини ҳайдаб бораётиб кўчанинг чап томонидан юра бошлади ва қаршисидан келаётган машинага урилди.

Худди шу куни шаҳар халқа йўлида ҳайдовчи А. Стрельцовнинг айби билан қаттиқ ҳалокат юз берди. У ҳайдовчилик қилиш тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмай туриб «МТЗ—50 ТЛ» маркали 20—31 ЗУ номерли трактор рулига ўтирди. Нотавон ҳайдовчи маст ҳолда тракторни юқори вольтли электр энергиясининг темир-бетонли столбасига олиб бориб урди. Трактор шикастланди. Унинг кузовида бораётган В. Меднеев эса жароҳатланди.

Юқорида кўрсатиб, ўтилган йўл транспорт ҳодисаларининг юз бериши ўз-ўзидан содир бўлган эмас. Уларнинг ҳаммаси йўл ҳаракати қоидалари бузилаётганидан далолат бериб турибди.



СУРАТДА: Куйбишев шоссесида юз берган автомобиль тўқнашувидан олинган сурат. Нотавон шофёрлар кўча ҳаракати қоидаларини бузишлари ва машина тезлигини меъёридан ташқари оширишлари натижасида ана шу кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Бу ерда ҳеч ким жароҳатланмади.

Узоқ умр кўрганлар

Узоқ умр кўрган кишилар билан учрашиш қизиқарли, фойдали ва ибратлидир. Улардан ҳар бири—қарийб юз йиллик жонли тарих. Полтавадаги Кобеляки шаҳрида истиқомат қилувчи Татьяна Ивановна Лесная эса 110 ёшдан ҳам ошиб кетди.

Унинг туғилган кунини нишонлагани қариндош-уруғлари ҳам, кўни-қўшнилари ҳам тўпланишди. Анъанага мувофиқ, таваллуд топган куни нишонланаётган кишининг ўзи ким нимани хуш кўрса, ўша таомни пишириб, ёпиб беради. Бунинг учун у кун бўйи газ плитаси ёнидан нари кетмади—ахир ёрдамчилари ўғил-қизлари хуш кўрадиган таомларни ўзичалик тайёрламасликлари мумкин. Татьяна Ивановна фарзандларининг ҳаммасини бирдек тенг кўради, ахир, уларнинг ҳаммасини ўзи боқиб катта қилган. Ниларидан энг кенжаси 92 ёшда, ўғилларидан энг кенжаси 67 ёшда. Кенжаси—истеъфодаги медицина хизмати подполковниги Яков Иванович Леснойни онаси косагул қилиб тайинлади.

— Менга ўқишни ўргатгани учун шундай қилдим, — деб тушунтирди бунинг сабабини Татьяна Ивановна.

Леснойларнинг ҳаммаси—меҳнатсевар, оққўнгил ва хушчақчақ кишилар. Одобли ва хушчақчақ кишиларнинг умри боқий бўлади, деган мақолнинг чуқур маъносини бу соғлом, меҳнатсевар оилада алоҳида ҳис этиш мумкин. Умри узоқ аёлнинг отаси 111 йил, онаси 109 йил умр кўрган.

Т. И. Лесная қишлоқда туғилиб, шу ерда узоқ йиллар мобайнида умр кечирган. Ёшлигидан ҳеч қанақа ишдан, шу жумладан «эркакларга хос» ишдан қўрқмаган: ер ҳайдаган, пичан ўрган, галла янчган. Кашта ҳам тиккан. Кашта тикиш унинг руҳини айниқса кўтаради. Солинган гулларнинг ажойиб чиройи бугун ҳам Татьяна Ивановнанинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолган. Унинг уйидаги портретлар, манзараларнинг сурати ва деразалари гулдор сочиқлар билан ясатилган. Ёстиқларнинг жилдларига ҳам гул солинган. Буларнинг ҳаммаси Татьяна Ивановнанинг қўли билан тикилган.

И. ШЧЕРБАНЬ.
ТАСС мухбири.
Кобеляки,
Полтава области.

⊙ БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

Мармар жилоси

Мармар деганимизда, силлиқ ва ярқироқ тош кўз ўнгимизга келади. Лекин, мармар конлардан худди шу шаклда топилавермайди. Харсанг тош шаклида қазиб олинган мармар тошни олмос арралар ёрдами билан юпқа пластинкаларга кесилади. Бу пластинкалар айланиб турган, устн сукно билан қопланган дискалар устига қўйилади. Диска устига юқори қаттиқликка эга бўлган корунднинг ёки карборунднинг порошоги (уни) сепилган бўлади. Мармар бу майда порошокка ишқаланиб, текисланади ва силлиқланади. Бу усул билан мармарга истаган кўринишга эга бўлган шакл берилади.

Мармарга ишлов бериш жараёнида синиб тушган мармар бўлақчалари шагал тош ва цемент билан аралаштирилиб, махсус плиталар тайёрланади.

Кимёвий таркиби бўйича тоза бўлган мармарни майдалаб, махсус тегирмонларда унга айлантирилади ва чорва озиқ-овқатларига аралаштирилади.

Ҳозир республикамизда мармарга ишлов берадиган иккита завод Тошкент ва Ғазалкент шаҳарларида жойлашган.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Тошкент оқшоми 4 бет.
26 НОЯБРЬ, 1973 й.
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ.
ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—03858. Нашр В—2350.
ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02.49 дан 33.02.58 гача, Эълонлар бўлими—33.81.42.